

## ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ- КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

*Adiba Sharipova.*

*GDPI talabasi*

Демография сўзи грекчадан олинган бўлиб, *demos grapho* – замин, яъни аҳоли ҳақида ёзиш” деган маънони билдиради. Демография институти 1919 йил Киевда, 1930 йил Санкт-Петербургда очилган, лекин собиқ иттифоқ сиёсати нуқтаи-назарига зид дейилиб, 1934 йилга келиб фаолиятини тўхтатган. Лекин, кейинроқ 1968 йил, январида Москва давлат университетининг иқтисод факультетида “Аҳолишунослик” кафедраси очилган. Ўзбекистонда 1972 йил Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) да Аҳолишунослик муамоларини ўрганиш лабараторияси очилди. Биринчи бор тарихий демография термини XIX аср охирларида Будапештда ўтказилган демография ва гигиенага бағишлиланган халқаро конгресда, 1894 йилда тарихий демография шўйбаси фаолият бошлаган<sup>1</sup>. 1920-30 йилларда Италияда аҳолишуносликни ўрганувчи қўмитада тарихий демографияни ўрганувчи комиссия бўлган. Тарихий демографиянинг пайдо бўлишини В.И. Козлов XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган деган<sup>2</sup>. Кейинроқ Р.Н. Пуллат тарихий демографиянинг пайдо бўлишини XX асрнинг бошларида деган фикрни айтган<sup>3</sup>. А.Г. Вишневский ва И.С. Кон таъкидлашича “тарихий демографияни ҳам янги, ҳам ёш илм тармоғи деб таъкидлаган”<sup>4</sup>. 1752 йил англиялик файласуф ва тарихчи Д.Юм тарихий демографияга оид ўзининг қарашларини баён қилган. XX аср охири XXI аср бошларида жаҳон фанлари тизимида янги йўналиш вужудга келди. Бу йўналиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолар ечимини берадиган, икки тармоқ орасидаги боғланиш натижасида ҳосил бўлмоқда. Буларга компьютер

---

<sup>1</sup> Шелестов Д.К. Демография: история и современность - М: Финансы и статистика., 1983. 95-с.

<sup>2</sup> Козлов В.И. Народонаселение. - СИЭ, Т.9. М, 1966, 982-с.

<sup>3</sup> Пуллат Р.Н. Историческая демография в СССР-проблемы исторической демографии СССР. Таллин, 1977. 8-с.

<sup>4</sup> Вишневский А.Г, Кон И.С. Брачность, рождаемость, семья за три века. Москва, 1977, 3-с.

лингвистикаси, биотехнология, геофизика, тарихий демография ва шу каби бошқа йўналишларни киритиш мумкин.

Мустақиллик даврида тадқиқотчиларнинг тарихий-демографик жараёнларга қизиқиши ортиб борди. Кўплаб тарихчи ва демограф олимлар ҳамкорлигидаги асарлар чоп этилди<sup>5</sup>. Демографик тарих XX асрнинг иккинчи ярмида фан сифатида Ғарбий Европада шаклланди. Ҳар йили турли сабабларга кўра вафот этган аҳоли ўрнини тўлдириб борилиши қонуниятларини ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан. Тарихий демография эса демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, шунингдек, демография фанининг ривожланиш тарихини ўрганади<sup>6</sup>. Тарихий демографиянинг илмий тадқиқот обьекти аҳолининг кўпайиши масалаларини тадқиқ қилиш бўлиб, бунда ҳозирги давр эмас, балки ўтмишдаги тарихий босқичлар тадқиқ қилинади. Аҳоли тарихини ўрганиш Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин, янада жадаллашди. Тарихий демография фани XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, жаҳон давлатларида тарихчи ва демограф олимларнинг ҳамкорлигига ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистонда тарихий демографиянинг 1940 йиллар ярмидан 1980 йиллар охирларигача бўлган давр ўзига хос ўрининг эгадир. Бу даврда тарихий жараёнлар ниҳоятда қийин кечган. Буни биз, уриш оқибатларини тугатиш, аҳолининг турмуш даражасини тиклашга уриниш, иқтисодий муаммоларни бартараф қилишга интилиш ва жамиятда ижтимоий муносабатлар кескинлашуви миллатлараро зиддиятлар вужудга келиши билан боғлиқ. Бу ҳодисалар демографик жараёнларга, аҳоли сони, ёш таркиби, унинг

<sup>5</sup> Ата-Мирзаев О., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект.-Т., 1998; Ата-Мирзаев О., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана-Т., 2002; Ата-Мирзаев О. Демография и политика. Узбекистан должен стать регионом приоритетного развития-Т., 1991; Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан.-Т., 2000; муртазина Р. Динамика роста населения Узбекистана за год независимости. //Рынок, деньги и кредит. 2001. №9; Федяшева Г. реалия современной демографии и прогноз и прогноз развития. //Рынок, деньги и кредит. 2001. №5; Бобоҷонова Д.Б. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг ҳусусияти.-Т.: Фан. 1995.

<sup>6</sup> Демография. Дарслик. -Т.: "Fan va texnologiya", 2014. -38-б

[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

9-to'plam 1-son iyul 2024

жойлашуви ва ўртacha умр кўриш даражасига таъсир қилмай қолмайди<sup>7</sup>. Жамият ривожланишига бир неча ўн йилликлар давомида демографик муаммолар салбий таъсир кўрсатди. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг XX аср иккинчи ярмидан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий демографиясини ўрганиш долзарб мавзу бўлиб ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам ўзига хос аҳолишунослик сиёсати шаклланмоқда. Ўзбекистонда расмий демографик тарих 1897 йилдан, яъни ватанимиз худудининг бир қисмида ўтказилган аҳолини рўйхатдан ўтказишдан бошланди. Шу кунгача жами аҳолини рўйхатдан ўтказиш мамлакатимизда олти марта (1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йй.) амалга оширилган. Бу каби аҳолишунослик статистикаси бўйича Ўзбекистонда демографик тарих фани ривожи учун хизмат қиладиган кўп манбалар мавжуд бўлиб, тарихчилар улардан етарли фойдалана олишлари зарур.

Ўзбекистон барча тарихий босқичларда ўзининг демографик ҳолати билан алоҳида ажралиб турган ва ўзига хос йўлларни босиб келмоқда. Аммо совет даврида ўзбек халқининг хусусиятлари мутлақо эътиборга олинмаган эди. Мустақиллик шарофати билан бу масала давлат эътибори марказидаги муммоловдан бирига айланди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб Ўзбекистоннинг барча вилоятлардаги тарихий-демографик жараёнларни ўрганиш зарурияти ҳисобланади. Аҳолишунослик муаммоларни ёритувчи адабиётлар таҳлилига кўра 1945 йилдан то 1950 йиллар охиригача бўлган тарихий босқичда, Ўзбекистонда тарихий демографияни ўрганишга бағишлиган илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмади. Бунинг асосий сабаби, совет жамиятида демограф жараёнларни илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш чеклаб қўйилган эди. Тарихчи В.З.Дробижев<sup>8</sup>нинг

---

<sup>7</sup> Юсупов Р.Ўзбекистонда демография фанининг ривожи (тарихий назар) [Л.Ижтимоий](#) фикр,инсон ҳуқуқлари.2008.№4.89-б

<sup>8</sup> Дробижев В.З.У истоков советской демографии.М.,1987.15-с.

[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

9-to'plam 1-son iyul 2024

фикрларида ҳам ушбу хулосага жавоб топишимиз мумкин. Унда”Демография ўша даврда мамлакат аҳолисини шунчаки ҳисобга олиш билан чегараланган эди, бу мазкур илмий тадқиқот ривожланишига таъсир этмай қолди”-деган эди. Аҳоли тарихини ўрганиш, шу қийинчилимклар жараёнида ҳам тўхтаб қолмади. Аҳолишуносликка оид изланишлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузилишига мос ҳолда олиб борилиб<sup>9</sup>, демографик мавзу ХХасрнинг 20-йиллари билан чегараланган эди<sup>10</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда, аҳоли тинч ҳаёт қуришга ўтди, урушга кетган эркакларнинг қайтиши минглаб янги оиласлар пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу 1960 йиллардан та 1970 йиллар “компенсация” ёки “тўлдириш даври” деб аҳолишунос олимлар номлашди. Шу тарзда аҳолининг тез ўсиши 1970 йиллар ярмига қадар давом этди. Ўзбекистонда аҳолининг қўпайиши билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқотлар вужудга келди. Советлар даврига оид илмий ишлар жумласига Зиядуллаев С.К., Убайдуллаева Р.А, Қорахонов М.К, Ата-Мирзаев О.Б, Муртазаева Р.Х., Муллажонов И.Р, Исхаков И, Эгамбердиев А, Салимов Х, Тошбеков Э, Асонов Г.Р ишларида ёритилди. Ўзбекистонда тарихий демография фани XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тез жадаллашди. Тарихий демографик жараёнларни ўрганиш орқали аҳоли миграцияси, меҳнат ресурслари бандлиги, урбанизация муаммоларни талқин қилишда мухим босқич ҳисобланади. Зеро тарихий-демографик жараёнларнинг назарий-концептуал назариясини ўрганишни янада ривожлантирса бу фаннинг мазмун-моҳияти янада ошади.

<sup>9</sup> АхуноваМ.А.,Лунин.Б.В.История исторических наук Узбекистане.Т.:1970.100-114-с.

<sup>10</sup> Шелестов.Д.К.Историческая демография.М.1987.223-230-с.